

Ishonch

2018 йил 17 май • пайшанба • № 58 (4031)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: ЯНГИ УФҚ ВА МАРРАЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Вашингтон, 16 май. ЎЗА махсус мухбири
Абу Бакр ҲОЗОВ хабар қилади.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 2018 йил 15 май кuni илк расмий ташриф билан Вашингтонга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 16 май кuni Америка Қўшма Штатлари Президентининг расмий қароргоҳи — Оқ уйда бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп кутиб олди.

Кейинги вақтларда икки мамлакат ўртасида давлат раҳбарлари даражасида мулоқотлар мунтазамлик касб этмоқда. 2017 йилда Ўзбекистон ва АҚШ Президентлари икки марта — май ойида Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммитида ҳамда сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида Нью-Йоркда учрашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд алоқалар ва истиқболдаги режалар хусусида суҳбатлашди.

Шунингдек, 2017 йилда Ўзбекистон ва АҚШ раҳбарларининг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Жорий йил март ойида Президент Дональд Трамп Президент Шавкат Мирзиёевга Тошкент шаҳрида ўтказилган Афғонистон бўйича халқаро конференция арафасида мактуб йўллади.

Уша мулоқотларда давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир масалалар, ўзарани кизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашди. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

АҚШ Президенти Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ва кооперацияни фаоллаштиришга қаратилган, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган очик ва конструктив ташқи сиёсати ҳамда фаол саяё-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

2

ЎЗБЕКИСТОН ВА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

2018 йил 16 май кuni Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қабул қилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Оқ уйга илк тарихий ташрифи Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврини очиб берди.

Музокаралар давомида Президент Д.Трамп Ўзбекистоннинг мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетига қатъий содиқлигини таъкидлади. Президент Д.Трамп Президент Ш.Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда муҳим сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишда эришилаётган улкан ютуқларни эътироф этди. Президентлар кенг жабҳадаги ўзаро устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, 2002 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Декларацияга янгича суръат бағишлаш мақсадида икки томонлама муносабатларни янги мулоқот асосида мустаҳкамлашга келишиб олди.

Президент Ш.Мирзиёев Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишда эришилаётган прогресс орқага қайтмаслик хусусидаги эътибори эътироф этди. Президент Ш.Мирзиёев ташриф давомида АҚШга ўта муҳим логистик имкониятни тақдим этганлиги ҳамда «Ал-Қоида» террорчиларини Афғонистондан сиқиб чиқаришда қўмақ кўрсатгани таъкидланди. Президент

Ш.Мирзиёев ташриф давомида Президент Д.Трампнинг Жанубий Осиё бўйича стратегиясини тўлиқ қўллаб-қувватлашини таъкидлади ҳамда икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш, масъулиятни тақсимлаш ва минтақавий хавфсизлик масалаларини ҳал этиш, шу жумладан, Афғонистонда барқарорликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон ташаббусларини муҳофаза этди.

Президент Д.Трамп кучли ва мустақил Марказий Осиёнинг муҳимлигини қайд этди ҳамда Президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил ноябрда бўлиб ўтган Самарканд конференциясида муҳофаза қилинган Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг ҳамкорлик мулоқоти йиғилишини ўтказиш бўйича саяё-ҳаракатларини мамнуният билан қарши олди. Президент Ш.Мирзиёев жорий йилнинг март ойида Қозғоғистоннинг Остона шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг йиғилишида иштирок этганлиги ва у минтақалараро савдо ривожлантириш ва хавфсизликка оид таҳдидлар бўйича биргаликдаги ёндашувларни ишлаб чиқиш учун янги имкониятлар очиб берганлиги қайд этилди.

2

КУН НАФАСИ

АҚШга расмий ташриф билан учиб кетаётган Президент самолёти Лондонга тўхтаб ўтди. Давлатимиз раҳбари Лондон шаҳрида Буюк Британия ташқи ишлар вазирлиги ўринбосари Алан Дункан билан суҳбатлашди.

Президент Шавкат Мирзиёев Индонезия Республикаси Президенти Жокко Видодога ва дўст Индонезия халқига Сурабая шаҳрида содир этилган муҳим террорчилик ҳаракатлари оқибатида қўллаб-қувватлаш ниятини билдирди.

Индонезиянинг Сурабая шаҳридаги черковларда содир этилган портлаш оқибатида 3 нафар одам ҳалок бўлиб, 13 нафар киши оғир жароҳат олган эди.

«Қизлар ва фертил ёшдаги аёлларга кўрсатиладиган акушер-гинекологик ва тиббий ёрдам хизматлари самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор асосида республика ва ҳудудий қизлар саломатлиги марказлари ташкил этилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларида расмий ташрифи доирасида «General Electric» (GE) ва «Ўзбекэнерго» келишув имзолади.

Олий суд пленуми бўлиб ўтди. Унда биринчи маротаба лавозимга тайинланган жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судлари судьялари қасамёд қабул қилишди.

«Хива хонлиги архив ҳужжатлари» фонди ЮНЕСКОнинг «Жаҳон хотираси» халқаро рўйхатига киришди.

Латвиянинг машҳур сутни қайта ишловчи «HANSA Food Commodities» компаниясининг етакчи мутахассиси Янис Скварнович «Ўзбекистон қўшма ширкати» бошқарув раисининг сутни қайта ишлаш бўйича маслаҳатчиси этиб тайинланди.

Қаҳрамон Арипов Тошкент шаҳар ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари, Феруз Каримов ҳокимликнинг ташкилий назорат гуруҳи раҳбари, Тоҳир Мирхидов «Сувсоз» Давлат унитар корхонаси бошқарувчиси этиб тайинланди.

Нурхон Нафасов 12 йиллик танаффусдан сўнг яна Ўзбекистон қаратқ Миллий федерацияси президенти этиб сайланди.

Бош прокуратура академияси турли лавозимларга

танлов эълон қилди. Танлов академияни тегишли касбий салоҳиятга эга малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида ташкиллаштирилмоқда.

Равшанбек Алимов Ташқи ишлар вазирлигининг МДХ мамлакатлари билан ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

У бунга қадар вазирликнинг Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлилий маркази бўлими бошлиғи, Ўзбекистоннинг Россия Федерациясидаги элчихонаси маслаҳатчиси, Франция ва Украинада элчи лавозимларида ишлаган.

Ўзбекистонда дунёда илк марта алоҳида бир мамлакат, яъни Германия учун Тошкент шаҳридаги «Алгоритм» мажмуаси негизда 16 гектардан ортиқ майдонда эркин иқтисодий зона ташкил этилади.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат солиқ бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларида хизмат қилаётган 3132 нафар ходимга ишбатан қўлланилган «хайфсан», ўртача ойлик иш ҳақининг 10 фоизидан 50 фоизгача бўлган жарима тарзидаги интизомий жазо чоралари бекор қилинди.

Пойтахтдаги Янги Байналимал кўчаси Сеул кўчаси, шунингдек, «Бунёдкор» метро бекати «Халқлар дўстлиги», «Истиклол» санъат саройи «Халқлар дўстлиги» саройи деб ўзгартирилди.

2018-2019 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистондаги барча умумтаълим мактабларида автоном «ахборот қутиси», яъни мактаблар учун фойдали ресурсларга эга бўлган локал интернет шакллантирилади.

Россияда ўтказилган Мехрибонлик уйлари ўртасидаги жаҳон чемпионатида Покистон терма жамоасини пенальтилар сериясида мағлуб этган Ўзбекистон терма жамоаси ғолиб чиқди.

Интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқларда тарқалган пешонасига «2» баҳо қўйилган ўқувчилар сурати қўллаб-қувватлашга сабаб бўлди ва ҳамюртларимизнинг ҳақли эътирозини келтириб чиқарди.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан Бекобод шаҳридаги мазкур ҳолат содир этилган 5-умумтаълим мактабида хизмат текшируви ўтказилиб, ўқувчиларнинг камситилишига йўл қўйгани учун барча масъул ходимларга тегишли чора қўрилди.

Интернет нашрлари ҳамда ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

МЕҲНАТ МУҲОFAZASI



2

БАНҚДАН ХАЛҚ РОЗИМИ?



3

ҲАҚ ГАП КЎНГИЛ МАЁҒИДИР



4

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»да халқаро кўргазма



«Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуида анъанавий «Ўзбекистон нефть ва газ» — 2018» ва «Энергетика, энергия таъминоти, энергиянинг муқобил манбалари — 2018» халқаро кўргазмалари очилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шафелиги ҳамда «Ўзбекнефтегаз» акциядорлик жамияти, «Itesa Exhibitions» халқаро кўргазма компанияси, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмаларда маҳаллий ва хорижий компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматларини намойиш этмоқда.

Юртимизда нефть-газ тармоғини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, газ, полиэтилен ва қайта ишланган нефть маҳсулотларининг йирик экспортчиси бўлган мамлакатимизда қўлай сармоявий муҳит яратиш бугунги кун талабидир. Шу билан бирга, соҳада модернизация ишлари қўламини кенгайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар улушини ошириш катта ўринга эга. Бунда анъанавий ташкил этилаётган «Ўзбекистон нефть ва газ» кўргазмаси муҳим аҳамият касб этади.

— Мамлакатимизда нефтьнинг қайта ишлатиши, автобензин, дизель ёқилғиси, мазут, нефть мойлари, битум, авиакеросин ишлаб чиқари-

лиши хорижий сармоядорларнинг эътиборини тортади, — деди Австриянинг «Erie» корпорацияси тендерлар бўйича департаменти бошлиғи Тўлқин Юсупов. — Буни кўргазмада иштирок этаётган хориж компаниялари сони йилдан-йилга ортаётганида ҳам кўриш мумкин. Кўргазмада Ўзбекистон, Хитой, Австрия, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Жанубий Корея, Нидерландия, Япония, Озарбайжон, Россия, Сингапур, Туркия, Украина, Франция, Швейцария каби мамлакатлардан компания ва фирмалар катнашмоқда. Бизнинг корхона нефть ва газ қудуқларини бургулашга ихтисослашган. Маҳсул усуналаримиз 1500-6700 метргача бўлган чуқурликда бургулаш имкониятига эга.

3

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ:

ЯНГИ УЎҚ ВА МАРРАЛАР
САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

41

Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатларининг стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, айниқса, минтакавий ва халқаро тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш борасидаги долзарб масалалар бўйича икки давлат раҳбарларининг қараш ва ёндашувлари муштараклиги мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли алоқаларни изчил ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган вақт давомида Ўзбекистон билан АҚШ ўзаро англашув, ҳурмат ва манфаатдорлик тамойилларига асосланган стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни ривожлантириш йўлида муҳим қадамлар қўйди.

Икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришнинг истиқболли режаларини биргаликда қўриб чиқиш мақсадида Президент Дональд Трамп Ўзбекистон раҳбарини АҚШга расмий ташриф билан келишни таклиф қилди. Ўзбекистон Президенти томонидан мамнуният билан қабул қилинган ушбу таклиф олий даражадаги мулоқотларнинг янги даврини бошлаб берди.

Давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашувида Дональд Трамп мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, минтакавий хавфсизлик ва барқарорлик соҳасидаги умумий мақсадларни амалга оширишда биргаликда ишлашдан мамнун эканини қайд этди.

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон Республикасининг қўшни давлатлар мустақиллиги ва ҳудудий ахиллиги, шунингдек, Марказий Осиёни янада тараққий эттириш ва минтақада ҳамжихатликни мустаҳкамлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди, деди Дональд Трамп.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон делегациясига қўрсатилган юксак эҳтиром ва меҳмоннавозлик учун АҚШ Президентига миннатдорлик билдирди.

2017 йилда бўлган учрашув ва телефон мулоқотлари чоғида муҳокама этилган масалаларни бугун маромига етказиш кўп қиррали ҳамкорлигимизни жадал ривожлантиришда янги қадам бўлади, деб ўйлайман, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ўзбекистон ва АҚШдаги Президент сайловларидан кейин мамлакатларимиз муносабатлари янги босқичга кўтарилди. Бугун қабул қилинадиган «Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши» номи Қўшма баёнот ўз номи ва моҳияти билан кўп нарсани англатади. Томонларнинг узоқ келажакка мўлжалланган интилишларидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ташқи сиёсатининг концептуал асослари ўзгармасдан қолишини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларни янада кенгайтириш, ҳар томонлама ҳамкорликни изчил мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг қатъий тарафдоридир.

Икки мамлакат ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиши Америка бизнесининг юртимизда узоқ муддатли фаолиятни йўлга қўйиши ҳамда АҚШнинг етакчи корпорация ва компаниялари билан инвестициявий-технологик ҳамкор-

ликни янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш каби масалаларга устувор аҳамият қаратилган.

Президентимизнинг ташаббуси ва сиёсий иродаси туфайли минтақа давлатлари ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамланди. Давлат чегаралари, сувдан фойдаланиш муаммолари, транспорт йўлақлари, савдо алоқалари, ҳудудлар ҳамкорлиги каби қўллаб масалалар бўйича ўзаро манфаатли келишувларга эришилди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратишини яна бир бор таъкидлади. «Марказий Осиёнинг қок марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлиқ, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишдан бевосита манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё — биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир. Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроас асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз», деди давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан.

Ўзбекистон Президентининг АҚШга ташрифи давомида бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Минтақамиздаги ижобий ўзгаришларни Президент Дональд Трамп алоҳида эътироф этди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Дональд Трамп музокараларини икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар.

Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилди. Вазирлик ва компаниялар, ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, юқори технологиялар, савдо-саноат, ёқилғи-энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо-сотик соҳасида мамлакатларимиз ўртасида 1998 йилдан буён энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзбекистонда америкалик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 181 корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 46 таси тўлалигича ушбу мамлакат капитали асосида тузилган.

Ўзаро савдо транспорт ва транспорт коммуникациялари, фармацевтика, автомобилсозлик, енгил саноат, озиқ-овқат, кишлоқ хўжалиги, электротехника каби қўллаб соҳаларни қамраб олган.

Ташкил этилгангига йигирма йилдан ошган Америка — Ўзбекистон савдо палатаси бугун иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўшма дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг муҳим механизмига айланган. Айни пайтда АҚШнинг «Boeing», «General

Motors», «General Electric», «CNH Industrial», «Hayatt», «Hilton» ва бошқа кўплаб йирик компаниялари мамлакатимизда муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Музокарада томонлар олий даражадаги мулоқотларни изчил давом эттириш, иқтисодиёт, энергетика, молия, сармоя, юқори технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, гуманитар алоқаларни кенгайтиришга тайёр эканини билдирди.

Мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш учун фойдаланилмаётган имкониятлар кўплиги, уларни ишга солиш икки томон учун ҳам манфаат келтириши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари кишлоқ хўжалиги, энергетика, кимё, молия, туризм, тўқимачилик саноати, соғлиқни сақлаш ва рақамли технологиялар соҳаларида янада яхши ҳамкорлик қилиш бўйича мавжуд имкониятларни ўрганишга келишиб олдилар.

Ташриф давомида Ўзбекистон ва АҚШ компаниялари ўртасида 20 дан ортиқ йирик шартномалар имзолангани ва уларнинг умумий қиймати 4,8 миллиард долларни ташкил этиши қайд этилди.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм соҳалари бўйича ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликка ўз ҳиссасини қўшадиган Халқаро таълим бўйича Америка кенгашиларининг Ўзбекистонда аккредитация қилинишини мамнуният билан қайд этдилар. Дональд Трамп АҚШ Ўзбекистонда инглиз тили бўйича таълим дастурларини амалга оширишда кўмак беришга тайёр эканини билдирди.

Давлат раҳбарларининг «Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши» деб номланган Қўшма баёноти қабул қилинди.

Шунингдек, икки давлатнинг турли вазирлик ва идоралари ўртасида савдо-иқтисодий, электротехника, фармацевтика, инвестиция, технология, инновация ва таълим соҳаларида узоқ муддатли ҳамда кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон раҳбарининг ушбу ташрифи ўзаро муносабатларда янги уфқ ва марралар сари дадил қадам экани алоҳида таъкидланди.

Куннинг иккинчи ярмида давлатимиз раҳбари Артур Саклер галереясида ташриф буюрди. Галерея коллекцияси Осиё халқлари санъати асарларидан иборат 10 мингта яқин экспонатни ўз ичига олган.

Президентимиз галереяда сақланган ўзбек тўқимачилик буюмлари намуналарини кўздан кечирди. Марказий Осиё бўлимидаги миниатюра ва қўлёзмалар билан танишди.

Вашингтонда АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларида расмий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА АМЕРИКА
ҚЎШМА ШТАТЛАРИ:
СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ
ЯНГИ ДАВРИ

41

Президент Д.Трамп ушбу муҳим мулоқотда Ўзбекистон асосий роль ўйнашини эътироф этди ҳамда Қўшма Штатлар «C5+1» минтакавий формати орқали ҳамкорлик ва тараққиётни қўллаб-қувватлашини билдирди. Президентлар Афғонистоннинг Марказий Осиёдаги кўп томонлама ҳамкорлик форматларида иштирок этишини қўллаб-қувватладилар.

МИНТАКАВИЙ
ҲАМКОРЛИК

Президент Д.Трамп Президент Ш.Мирзиёевни халқаро ҳамжамиятнинг «Толибон» афғон ҳукумати билан тинч музокараларни бошлаши лозимлиги тўғрисида ягона позициясини тасдиқлаган «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтакавий шериклик» мавзусида 2018 йилдаги Тошкент халқаро конференцияси муваффақиятли ўтказилгани билан қутлади. Президент Ш.Мирзиёев ва Президент Д.Трамп Афғонистон хавфсизлик қучлари ва тинч аҳолисига қарши қаратилган жirkanч террорчилик ҳужумларини қаттиқ қораладилар ҳамда Афғонистон дуч келаятган хавф-хатарларга барҳам бериш бўйича мулоқотни кенгайтиришга содиқ эканликларини билдирдилар. Президент Ш.Мирзиёев Афғонистон ҳукуматини тўлиқ сиёсий қўллаб-қувватлашини эътироф этди ҳамда 2017 йил декабрда Афғонистон Президенти Ашраф Ғанининг Ўзбекистонга амалга оширган ташрифини ҳамда унинг якуни бўйича икки ҳукумат ўртасида савдо айланмасини қўлайтириш ва ўта муҳим инфратузилмaviй лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан бир қатор битимлар имзоланганини муҳокама қилди. Президент Д.Трамп Ўзбекистоннинг минтакавий иқтисодий жараёнларда муҳим роль ўйнаётганини эътироф этиб, мамлакатнинг Афғонистон билан савдо-иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини олқишлади. У Ўзбекистон томонидан режалаштирилаётган Афғонистондаги темир йўл ва инфратузилмaviй лойиҳаларни амалга оширишга сиёсий ва консултиватив кўмак кўрсатишга тайёрлигини билдирди.

Президент Ш.Мирзиёев Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишга ҳисса қўшаётган Шимолий таъминот тармоғини қўллаб-қувватлашда давом этишини тасдиқлади. Ўзбекистон ва АҚШ Афғонистон билан чегаралар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласининг олдини олишда яқиндан ҳамкорлик қилишлари эътироф этилди.

Иккала давлат раҳбарлари эк-

стремизм ва халқаро терроризмни қораладилар ҳамда умумий таҳдидларга қарши курашиш бўйича ҳамкорликни кенгайтиришга интилишларини қайд этдилар. Улар, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва минтакавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган келишувларни амалга оширишга содиқ эканликларини билдирдилар ҳамда беш йилга мўлжалланган илк ҳарбий ҳамкорлик Режасини амалга таъбиқ қилиш орқали муҳофаа соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидладилар.

ИСЛОҲОТЛАР ВА ХАЛҚЛАР
ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИ
МУСТАҲКАМЛАШ

Президент Д.Трамп «виждон маҳбۇслари»нинг озод қилиниши, болалар меҳнатидан муназаам фойдаланишнинг тугатилгани ва мажбурий меҳнат қўламини қисқартиришда эришилган сезиларли ютуқларни қайд этган ҳолда, Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳолатни яхшилашга қаратилган кенг ислохотлар дастурини мамнуният билан қарши олди. Ушбу ютуқлар иқтисодий, сиёсий ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиши таъкидланди. Президент Д.Трамп давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ва ички барқарорлиқни таъминлашнинг асосий омил сифатида давлатнинг халқ олдидаги ошқоралиги ва ҳисобдорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон Президентининг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Давлат раҳбарлари асосий инсон эркинликларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, диний эркинликни илгарича сўриш бўйича конструктив ҳамкорликни фаоллаштириш тарафдоридилар. Президент Ш.Мирзиёев диний эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли «йўл харитасини» ҳаётга таъбиқ қилишга қатъий тайёр эканлигини эътироф этди.

Президентлар икки мамлакат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликка ўз ҳиссасини қўшадиган Халқаро таълим бўйича Америка кенгашиларининг Ўзбекистонда аккредитация қилинишини олқишладилар. Президент Д.Трамп АҚШ Ўзбекистонда инглиз тили бўйича таълим дастурларини амалга оширишда кўмак кўрсатишга тайёр эканлигини эътироф этди ҳамда «Америка овози»нинг Ўзбекистонда аккредитация қилинганлиги ва унинг Америка оммавий ахборот воситалари учун ушбу мамлакатда кенг имкониятлар яратишини юқори баҳолади.

ИҚТИСОДИЙ
ҲАМКОРЛИК

Президент Ш.Мирзиёев ва Президент Д.Трамп ўзаро савдо

ҳажмини ошириш ва иккала мамлакатда иш ўринларини яратишга кўмаклашадиган иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш имкониятларини ўрганишга қатъий тайёр эканликларини таъкидладилар. Президент Ш.Мирзиёев Ўзбекистонда ошқоралик ва ҳисобдорлик халқаро стандартларини жорий қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш орқали тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиш ҳамда АҚШ компаниялари ва инвесторларига мамлакат бозорига кириш имкониятини тақдим қилишга тайёр эканлигини билдирди. Давлат раҳбарлари, шу жумладан, кишлоқ хўжалиги, энергетика, кимё, молия, туризм, тўқимачилик саноати, соғлиқни сақлаш ва рақамли технологиялар соҳаларида янада яқинроқ ҳамкорлик қилиш учун мавжуд имкониятларни ўрганишга келишиб олдилар. Ташриф давомида Ўзбекистон ва АҚШ компаниялари ўртасида 20 дан ортиқ йирик шартномалар имзолангани ва улар ҳаётга тўлақонли таъбиқ қилинган тақдирда, 4,8 миллиард доллар миқдоридида баҳолашни ва АҚШда 10 минг иш ўринини сақлаб қолиши ҳамда келгусида бир неча миллиард доллар миқдоридида шартномалар учун имкониятлар яратиши мумкинлиги эътироф этилди.

Д.Трамп Президент Ш.Мирзиёевнинг ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлади ва Ўзбекистоннинг иқтисодий лидер сифатида ўсиб бораётган ролини эътироф этди ҳамда жорий йилда мамлакатда Марказий Осиё савдо форумини ва Марказий Осиё давлатлари билан АҚШ ўртасида савдо ва инвестицияларга оид ҳадди бичим бўйича Кенгаш йиғилишини ўтказиш юзасидан Ўзбекистоннинг таклифи бундан далолат беришини таъкидлади. Президент Ш.Мирзиёев Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга интилаётганини эътироф этди, Президент Д.Трамп Ўзбекистон ўз савдо режимини ташкилот нормаларига мувофиқ либераллаштириш бўйича кун тартибдаги ислохотларни амалга оширгани сайин АҚШ унга техник кўмак кўрсатишини таъкидлади. Ўзбекистон Фонограмма ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини уларнинг фонограммаларини қонунсиз ишлаб чиқаришдан ҳимоя қилиш тўғрисида Женева конвенцияси ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг интернет бўйича шартномаларига қўйилиш орқали интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишга содиқ эканлигини билдирди. Ушбу ташаббусларни амалга ошириш икки томонлама савдо, иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича янги имкониятларни очиб учун мустаҳкам асос яратишга хизмат қилиши қайд этилди.

Меҳнат муҳофазаси

«Сардоба пахта тозалаш» АЖ ишчиси Умида Норқулова одатдагидек, иш сменасига келиб, ускуна атрофидаги чиқиндиларни тозалай бошлайди. Соат 22:45 ларда ишлаб турган 1-сонли «130 ДП» русумли ускунани ҳаракатга келтирувчи электродвигатель ўртасидаги муфтанинг сақлагичини очган ва энкайган вақтида муфта қисмида чиқиб турган болт унинг кийимини илиб кетади. Натижада, У.Норқулованинг жағ ва бош қисми оғир жароҳатланади. Шу вақт 2-сонли «ДП» ускунаси олдида туриб, уларнинг ишини назорат қилиб турган оператор Х.Каримов дарҳол ускунани ўчириб, ишни тўхтатади. Шу ернинг ўзида биринчи ёрдам кўрсатилиб, Оқолтин тумани тиббиёт бирлашмасига олиб борилади.

Қонуний асосларсиз қонуний
ҳуқуқлар ҳам бўлмайди

Содир бўлган қўнғилсиз ҳодисадан маълум вақт ўтгандан кейин Бандлик ва меҳнат муносабатлари бош бошқармасига жабрланувчининг онаси Раҳимахон Хайдаровадан ёзма ариза келиб тушди. Бунгача бу ҳақда хабар топмаган эдик.

Аслида, буни тасодифий бир ҳол дейиш ҳам унчалик тўғри эмас. Одатда иш бевуричлар томонидан бу каби вазиятлар яширилади ва ўзаро келишув орқали масалани ҳал қилмоқчи бўлилади. Лекин бу икки тараф учун ҳам зарардан бошқа нарса эмас. Дав-

зарарни жабрланувчи кўради. Кўрииб турибдики, ишлар қонуний ташкил қилинмас экан, ходимлар ўз қонуний ҳуқуқларидан ҳам фойдалана олмайдди. Мазкур ҳолат бўйича зудлик би-

Юз берган ҳодиса бўйича ўз вақтида хабар бергани ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини таъминламагани учун «Сардоба пахта тозалаш» корхонаси бош муҳандиси

Ж.Раҳмонов Ўзбекистон Республикаси МЖКнинг 49-моддаси 1-қисмига асосан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Хозирда жабрланувчи Умида Норқулова даволашни давом эттирмоқда ва у билан юз берган бахтсиз ҳодиса ишлаб чиқариш билан боғлиқ деб топилиб, Н-1 шаклдаги далолатнома билан расмийлаштирилди. Мавжуд қонунчиликка мувофиқ, унинг қонуний ҳуқуқлари тикланиб, моддий ёрдам кўрсатилиши ҳамда ижтимоий тусдаги масалаларни ҳал қилиш юзасидан «Сардоба пахта тозалаш» корхонаси томонидан чоралар қўрилиши юзасидан кўрсатма берилди.

Абдуқамол ҲАКИМОВ,
Сирдарё вилояти
Бандлик ва меҳнат муносабатлари
бош бошқармаси Давлат меҳнат
техник инспектори, қасаба уюшма
қўмитаси раиси

Мавсум тадориғи

Оромгоҳлар болажонларни кутмоқда

Болажонлар орзиқиб кутган дамларга ҳам оз фурсат қолди. Уларнинг ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида мароқли ҳордиқ чиқариши учун Фарғона вилоятида мавсумга пухта ва уюшқоқлик билан тайёргарлик кўрилиб, ҳар бир оромгоҳда кенг қўламли таъмирлаш-ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Жорий йил ёз мавсумида вилоятда 138 та оромгоҳда 32 минг 100 нафар, жумладан, 19 та шахар ташкарисидаги оромгоҳларда 12 минг нафар, 118 та таълим муассасалари қошида фаолият юритадиган кундузги оромгоҳларда 20 минг 100 нафар ўқувчи таътил кунларини сермазмун ўтказиши режалаштирилган.

— Оромгоҳларда ўғил-қизларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши, саломатлигини мустаҳкамлаш, овқатланиши ва яшаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган, — дейди вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эркин Нуралиев. — Шунингдек, оромгоҳларда зарур дори-дар-

мон ва озик-овқат маҳсулотлари захираси яратилди. Бундан ташқари, барча оромгоҳларга «Тез ёрдам» тиббий хизмат кўрсатиш машиналари бириктирилган. Дам олиш масканларини электр энергияси, газ ва зарур алоқа воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мавсум давомида «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан 50 нафар кам таъминланган болани ҳамда жамоа шартномаларига асосан 3 минг нафардан зиёд болаларни имтиёзли соғломлаштириш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 120 нафар иқтидорли ўқувчилар учун интеллектуал йўналишда, техник ижодкорлик йўналишида 120 нафар болани «Коинот» болалар оромгоҳи ўз бағрига олади. Ўлкашунослик, экологик-биологик йўналишда 120 нафар бола «Тонг» болалар оромгоҳида, бадий ижодиёт йўналишида 120 нафар бола «Оқ олтин» оромгоҳида, ижтимоий мослашув йўналишида 220 нафар бола «Меҳнат-роҳат» ва «Нафосат» оромгоҳларида, ички ишлар бўйида турган тарбияси оғир 100 нафар вояга етмаганларни «Чимёи» болалар оромгоҳида дам олдириш режалаштирилган.

Оромгоҳларда ташкил этиладиган кутубхоналарни болалар учун мўжалланган газета

ва журналлар, адабиётлар билан таъминлаш юзасидан кенг камровли ишлар амалга ошириляптир. Хусусан, 19 та стационар оромгоҳ 13 минг 346 та бадий адабиёт, 2 минг 96 та ижтимоий мавзулардаги, 1 минг 328 та илмий оммабоп китоблар билан тўлдирилади.

Оромгоҳларда мавсум давомида ўтказилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ маънавий-маърифий тадбирлар, турли мавзуларда давра суҳбатлари, спорт мусобақалари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, таниқли ёзувчи, шoirлар, санъат арбоблари, спортчилар ва истеъдодли ёшлар билан учрашувлар ташкил этилади.


Болаларни жисмонан чиниктириш мақсадида вилоятдаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари томонидан оммавий спорт турлари бўйича оромгоҳ биринчиликлари, «Қувнок стартлар», «Ким эпчил-у, ким чакқон?», «Спорт — соғлиқ гарови», «Балли йигитлар», «Балли қизлар» каби спорт тадбирлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Ҳар бир оромгоҳда хавфсизлик, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш мақсадида Фарғона вилоят ИИБ томонидан 2 нафардан ички ишлар ходимлари бириктирилиб, кеча-ю кундуз кўриқлаш ташкил этилади ва уларнинг хизмат фаолиятлари вилоят ИИБ томонидан назоратга олиниши белгиланган.

Фарғона вилоятида Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи томонидан болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2018 йилги Манзилли дастурда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Хонқиз қишлоғида жойлашган «Фарғона нефтини қайта ишлаш заводи» унитар корхонаси тасарруфидagi «Тонг» болалар оромгоҳининг ётоқхона бинолари, ошхона, ювиниш хонасида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Ғанишер ПАЙЗИЕВ,

Фарғона вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири



2017-2021 йилларда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР Йўналиши бўйича ҳАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ йИЛИДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА МАМАЛАКАТИМИЗНИНГ ТУРЛИ МИНТАҚАЛАРИДА ИСТИКОМАТ ҚИЛАЁТГАН АҲОЛИ УЧУН «САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.



«САЛОМАТЛИК» поезда Сурхондарёда

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур акция давомида аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Вилоятлардаги тиббий ва ижтимоий муассасаларга, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга манзилли равишда озик-овқат ҳамда тиббий кўриқдан ўтган аҳолига дори-дармонлар тарқатилмоқда.

Навбатдаги «Саломатлик» поезда учун «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан махсус вагонлар ажратилиб, юкори малакали шифокорлар гуруҳи аҳолига зарур тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида Сурхондарё вилоятининг Саориосё туманига етиб борди.

Мазкур поезд ўз режасига биноан бориши кўзда тутилган Саориосё, Қумқўрғон, Бойсуи, Дарбанд, Оқрабод, Дехқонобод стан-

цияларига яқин ҳудудлардан ташқари фондининг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудий филиаллари кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари орқали марказий шифохоналар, вилоят болалар ва туғруқ комплексларига ҳамда кўзи ожиз, акли заиф ва қар-соқов болалар махсус мактаб-интернатларига ўз ёрдамини кўрсатади.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад экологик жиҳатдан ноқулай шароитда истикомат қилувчи аҳоли, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга, шунингдек, чекка қишлоқларда яшаётган аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш ҳамда мурувват ҳаракатини ривожлантириш ишига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этишдан иборатдир.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Учрашув

Қашқадарё вилояти божхона бошқармасида ёш ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан бажариш, шунингдек, коррупция ва бошқа қонунбузарликларга йўл қўймаслик юзасидан очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Ёш ходимлар билан очиқ мулоқот

Унда бошқарма Фахрийлар уюшмаси Раиси Н.Рўзимуродов, Қарши шаҳар «Маҳаллот» жомеъ масжиди имом-хатиби Э.Сатторов, ёш ходимларнинг ота-она ва яқин қариндошлари ҳамда божхона ходимлари иштирок этди.

Унда таъкидланганидек, жорий йили божхона соҳасида тарбия аҳамияти эга йил бўлди. Чунки Президентнинг 12 апрель куни имзоланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан соҳада кенг қўламли ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Ахамиятлиси, 26 январь соҳа ходимлари кунини этиб белгиланди.

— Жорий йилнинг ўтган даврида бошқарма ходимлари томонидан қарийб 53 миллиард сўмлик божхона тўловлари ундирилиб, давлат бюджетига ўтказилди, — дейди МИБ қатта тезкор вакили Қ.Хайдаров. — Бирок қонунбузарликларга қўл ураётганлар ҳали ҳам учраб турибди. Бу эса аҳоли ўртасида профилактик тадбирларни, тушунтириш ва тарғибот ишларини янада жонлантиришни талаб этади.

Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси Аxbорот хизмати

Реклама

ТУЗАТИШ!

«Ishonch» газетасининг 26.04.2018 йил № 50 (4023) сонида «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ томонидан берилган аукцион савдоси ҳақидаги хабарноманинг 7-тартибдаги «Нексия» русумли автомобилга сўзлари ўрнига «Дамас» русумли автомобилга» деб тузатиб ўқилсин. Шунингдек, тақвирий аукцион савдоси санаси 2018 йилнинг 8 май куни соат 10:00 ўрнига «2018 йилнинг 8 июнь куни соат 10:00» деб ўқилсин.

Мурожаат учун манзили: Фарғона шаҳри, С. Темури кўчаси, 45- уй. Тел.: (+998 95) 402-54-75. Гўвоҳнома № 1894.

Тошкент давлат аграр университети томонидан Қўрбанов Тўйчибек Хабибуллаевич номига берилган В№557487 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қасаба уюшмалари фахрийси
Марат ЮСУПОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Нозима УМАРОВА,
«Ishonch» мухбири

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»да халқаро кўргазма

❖1

— Мамлакатингиз барча соҳалар, жумладан, иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланмоқда, — деди «ГМС» гуруҳи таркибидagi «ГМС Компрессор» бизнес тузилмасининг маркетинг бўйича директори А.Панасова. — Юртингизда иш юритиш учун барча зарур шароит, имконият ва имтиёзлар яратилган. Бу нафақат маҳаллий, балки хорижийлик ишбилармонларга қатта қудайликдир.

«Энергетика, энергия таъминоти, энергиянинг муқобил манбалари — 2018» халқаро кўргазмасида электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш, иссиқлик билан таъминлаш соҳасидаги ишланмалар, узатиш ва тақсимлаш уску-



налари, муқобил энергия манбалари, иссиқлик, энергия, газ, сув ҳисобини юритиш ва назорат қилиш асбоблари каби маҳсулотлар қўйилган.



Унда Ўзбекистон, Хитой, Италия, АҚШ, Россия, Туркия, Украина, Қозғистон каби мамлакатлар компания ва фирмалари ўз маҳсулот ва хизматларини намойиш этмоқда.

— Кўргазмада биринчи бор иштирок этмоқдамиз, — деди Хитойнинг «Honle» компанияси вакили Гао Пенг. — Мақсадимиз — Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш. Бунинг учун иштирокчилар эътиборига 6 турдаги маҳсулотларимизни тақдим этдик.

Кўргазма доирасида «Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув — Ўзбекистон нефть-газ тармоғи ривожининг янги йўналиши» мавзусида халқаро анжуман ҳам ташкил этилди.

Кўргазмаларнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Нодир Отажонов сўзга чиқди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири

Раёсат ййғилиши

Навоий вилояти Қизилтепа туманида Агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг навбатдаги сайёр Раёсат ййғилиши ўтказилди. Унда тармоқ қасаба уюшмалари томонидан жорий йилнинг 1-чораги давомида амалга оширилган ишлар ва келгусида бажариладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Қишлоқ хўжалигида муносиб меҳнат

Унда тармоқ Республика кенгашининг ҳудудий масъул ташкилотчилари, қасаба уюшмаси туман, шаҳар кенгаши раислари ва тумандаги бошланғич ташкилотлари етакчилари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

Иштирокчиларга амалий машғулот сифатида Қизилтепа туманидаги «Адиш-Бобо» наслчилик фермер хўжалиги фаолияти яқиндан таништирилиб, ўқув-семинар ўтказилди. Унда фермер хўжалиги ишчилари учун яратилган меҳнат шароити, иш ҳақи ва бошқа масалаларга эътибор қаратилди. Шунингдек, фермер хўжаликлари раҳбарларига ишчилар томонидан қишлоқ хўжалиги ишларида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қондаларига риоя этиши, меҳнат муҳофазаси бўйича йўл-йўриқлар бериш тартиби тўғрисида тушунчалар бериб ўтилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги 138- ва «Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шовилинч чоралар тўғрисида»ги 182-Конвенциялари талабларига риоя қилинишини таъминлаш тўғрисида маълумотлар билан таништирилди.

Х.УМАРОВ,

Агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлими мудири

Матбуот анжумани

БАНҚДАН ХАЛҚ РОЗИМИ?

«Ўзсаноатқурилишбанк» шу мақсадда изланмоқда

Ушбу молия муассасаси томонидан йўлга қўйилган янги банк хизматлари оммабоплигига эришиш бўйича бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ишчи гуруҳи тузилиб, бажариладиган ишларнинг «йўл харитаси» белгиланган. Хорижийлиқ нуфузли маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда хизмат кўрсатиш сифат мезонлари ишлаб чиқилиб, амали-

ётга жорий қилинаётир. Бунини намуна сифатида иш бошлаган банкнинг Яшнобод филиали фаолиятида яққол кўриш мумкин.

Янгиликлардан яна бири келаётган мижозлар банк ходими томонидан кутиб олиниб, уларга хизматлардан фойдаланиш учун зарур ёрдам кўрсатилаётганидир. Яна бир маълумот: Яшнобод филиалида ҳафтасига 7 кун, суткада 24 соат давомида узлуксиз ишлайдиган автоматлаштирилган банк хизматлари шохобчаси ишга туширилди. Бундай шохобчаларни

барча филиалларда ташкил этиш режалаштирилган.

— Банк ходимларининг асосий мақсади фуқароларимизга ҳар томонлама қудайлик яратиш, уларнинг оғирини енгил қилишдир, — дейди «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Аxbорот технологиялари департаменти директори Аббор Кенжаев. — Шу маънода банкимизга келган ҳар бир мижоз хизматимиздан мамнун бўлиб, хуш кайфиятда кетишини истаймиз.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Яшнобод филиалида бўлиб ўтган «пресс-тур»да банк




томонидан амалга оширилаётган янги хизмат турлари ва қудайликлар ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

Нозима УМАРОВА,
«Ishonch» мухбири

Қашқадарёда халқаро кўргазма

Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги олдидан

Президентимизнинг «Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори қўшни қардош халқнинг улғу сиймосига халқимизнинг улкан меҳр-муҳаббати, эҳтироми, давлатлараро муносабатларда янги давр бошланганининг амалий ифодаси бўлди.



Барчамизга қадрли сиймо

Чингиз Айтматов нафақат киргиз эли, айти пайтда бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди. У минтақамиз тинчлиги ва осийишталлиги, унинг келажаги ва равнаки, халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, уларни турли зиддият ва қарама-қаршиликлардан асраш йўлида фидокорона фаолият юритди. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида собиқ Марказ томонидан уюштирилган «Ўзбеклар иши», «пахта иши» каби ноҳақ сиёсий кампаниялар чоғида Чингиз Айтматовнинг адолат ва ҳақиқат куйчиси сифатида халқимизнинг шаъни ва обрў-эътиборини катта минбарлардан туриб мардона ҳимоя қилганини эл-юртимиз ҳамisha миннатдорлик билан эслади. Бетақор ижодкорнинг давлатимиз томонидан «Дўстлик» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан тақдирлангани ҳам шундан далолат беради.

2000 — 2007 йилларда Қирғиз Миллий Маданий марказининг Жиззах вилоят бўлими раиси сифатидаги фаолиятимиз даврида Чингиз Айтматов билан бир неча бор учрашиб, суҳбатлашганимиз бугун ўзгача ғафр ва гурур хисси билан хотирланимиз.

Тарихчиларнинг таъкидлашича, кўхна Жиззах воҳасига ўз вақтида Исхандар Зулкарнайн, Чингизхон, Амир Темур, Улғубек, Бобур Мирзо, сингари буюк шахсларнинг табаррук қадами теккан.

1996 йилнинг 16 сентябрини жижзахликлар жуда яхши эслаганида. Шу кунни воҳамизга машҳур адиб Чингиз оға Айтматовнинг таширифи катта тантанаяга айланиб кетди. Вилоят ҳокимлигининг катта мажлис-лари залида ҳокимлик раҳбарияти, кенг жамоатчилик вакиллари, китобхонлар (зал тўлган, оёқда турганлар ҳам анчагина эди) буюк адибни очик ва самимий қутиб олишди.

Учрашувда сўзга чиққан адиб мухлислари самимий дил сўзларини баён эттиди. Бутун дунёда Чингиз оғанинг китоблари кириб бормаган хонадон қолмаган. Ўз вақтида АҚШ Президенти Ж.Картер Чингиз Айтматовнинг мамлакатга таширифини эшитиб, шахсан ўзи Оқ уйда учрашув ташкил қилган. Буюк адиб билан эсдалик учун суратга тушган. Бунинг сабабини сиёсатчи келгусида улкан тарихий даҳза бўлиб қолади, дея шубҳаланган эди.

Дарҳақиқат, иншоид бўлди. Чингиз оғага сўз берилганида буюк адиб дастлаб шу юртининг суякли фарзанди Ша-

роф Рашидовни чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга оларкан, атоқли давлат арбоби билан ҳеч бир таржимонсиз соф ўзбек тилида кизгич мулоқот қилганини, бахт ва шодлик, севги-вафо куйчилари Ҳамид Олимжон ва Зулфия ижодлари ҳамisha қалбига яқинлигини таъкидлади. Ўтган асрнинг олтинчи йиллари «Правда» газетасининг Марказий Осиё бўйича муҳбири вазиш-ликлардан асраш йўлида фидокорона фаолият юритди. Ўтган асрнинг олтинчи йиллари «Оқ олтиннинг ойдни йўллари» очерки тарихини сўзлаб берди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Чингиз оғанинг публицистикаси ҳам китоблари сингари ўзига хослиги, таъсирчанлиги билан ўқувчини дарҳол ўзига жалб этади. Мазкур очеркда ёзувчи Мирзачўлнинг жаҳон пахтачилигидаги муҳим ўрнига алоҳида эътибор қаратиб, Ер билан Ой оралиғидаги масофа 384 минг километр бўлса, ўзбек пахтасининг қаровонлари узунлиги ундан бир неча марта узун эканини таъкидлаган. Мирзачўл шароитида гўзаларга сув сарфини тежаб ишлатиш масаласини ҳам кўтариб чиққан.

Кечагидек ёдимда: 1999 йилнинг 27-29 май кунлари Бишкек шаҳрида Чингиз оғанинг 70 йиллик юбилеини бўлиб ўтди. Тантанавий иштирок этган юртимиз делегацияси таркибида мен ҳам бор эдим. Анжуманда мамлакатимизнинг «Дўстлик» ордени тантанали равишда топширилди. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов Чингиз оғага бағишланган шеърини ўқиб берди.

Бишкек консерваторияси биносидаги учрашувда Чингиз оға мендан «қаерликсиз?», дея сўраб қолди.

— Мен Жиззахданман, исмим — Тўлибой.

— Ҳа-я, Чингизхоннинг тўртинчи ўли Тўлибой бўлган. Билгичи ҳам Тўлибой саналади.

Фурсатини бой бермасдан адибга адабиёт ихлосманди эканимни, унинг барча асарларини ўқиб чиқганимни билдирдим.

— Ундай бўлса, ёзиб кўр! — дея далда берди менга адиб.

Шундан сўнг ёзишга астойдил киришдим. Шукурки, кам бўлмадим. Қатор китобларим босмадан чиқди.

Бутун умрини Ер юзида тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик, меҳр-оқибат, иноқлик каби инсоний фазилатларни ўз асарлари орқали тарғиб этишга бағишлаган сиймо барчамиз учун ибрат бўлиб қолиши шубҳасиз.

Тўлибой Тўйчиев, Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши масъул ходими

Санъат олами

Қўшиқнинг кўнгил торларини чертиб, руҳиятни аллаловчи сеҳрли кучи борлиги азалий гап. Яхши куй янграб, ширали овоз эшитилганда киши ўзгача ҳолга тушади, қалб озиқ олади. Гўё у дилни мафтун айлаб, бир зум бўлса-да, дунё ташвишларидан сизни нари қилади. Яхши ижро санъаткор маҳоратини кўрсатиш билан бирга тингловчига битмас-туганмас маънавий озуқа беради. Қолаверса, санъат миллатнинг ўзлигини, кечмиши-ю келажагини тараннум этувчи восита ўлароқ барча даврларда қадрлиниб келинган. Ботир Зокиров номидаги эстрада ва симфоник оркестри бадий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти **Мансур ТОШМАТОВ** билан суҳбатимиз санъатнинг силри-синоатли олами ҳақида бўлди.

— Санъаткор бўлишингизга нима туртки бўлган?

— Санъаткорлар оиласида туғилганман. Бу соҳага қизиқиш пайдо бўлишида отам — Ўзбек мумтоз мусиқа ва қўшиқчилик санъати ривожига улкан ҳисса қўшган таниқли санъаткор Ғанижон Тошматовнинг ўрни бекибди. Уйимизда ўтказилган турли тадбирлар мусиқа ва қўшиқсиз ўтмас эди. Кўплаб санъаткорлар келишар, куй-қўшиқ авжига чиқарди. Шу сабаб санъатга меҳр қўйдим. Бора-бора улар сафида қўшиқ айта бошладим. Илк марта ўша вақтлар эл орасида жуда машҳур бўлган «Куйгай», «Эй сабон» ва «Фаргона тонг отгунча» каби мумтоз қўшиқларни ижро этиб, отамнинг оқ фотиҳасини олганман.

халқимизнинг қадим санъати, ўзига хос маданиятини асраб-авайлаш, ўсиб келаётган ёш истеъодларини қўллаб-қувватлаш, юксак бадий ва сара асарлар яратиш ушбу ташкилот фаолиятининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Давлат муассасаси бўлиб бу вазифалар устидан изланмоқда. Ўз мактабини яратган санъаткор, ёшларнинг сеvimли устози сифатида соҳани ривожлантириш учун яна нимага қаратиш керак, деб ўйлайсиз? Қўшиқчилигимизнинг бутунги муаммолари ва уларни бартараф қилиш йўллари га тўхталсангиз.

— Ёшимиз бир жойга бориб қолганимиз ёки азбаройи санъатдаги хизматларимиз хур-

керак бўлган... У даврларда тадбирларда санъаткор орқича гап-сўзлар гапириб юбормаслиги учун ҳам шу ишга қўл урилган. Лекин афсуски, биз ҳамон ўша эскича қарашлардан оёқ ололмаймиз. Бирок бугунга келиб бу усул ўқувсизликни бекитадиган бир ёпинчикка айланди. Истеъодли борми — йўқми, барча бирдек компютерда ашула ёзиб, экранда оғиз жуфтлаш билан овера. Шунинг учун ҳам бугун сахнани ёмғирдан кейинги қўшиқориндек ашулачи босиб кетди. Шу ўринда айтиш жоизки, қатор йиллар мобайлида шаклланиб, пойдевори мустаҳкам тортган фонограммалардан аста-секин воз кечиш лозим.

Ўзбекистон давлат консерваторияси эстрада факультети давлат аттестация имтиҳонларида



ҲАҚ ГАП КЎНГИЛ МАЁФИДИР ёхуд халқ назаридаги инсон

Тошкент давлат театр ва рассомлик институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)нинг мусиқали драма факультетини тамомладим. Ботир Зокиров, Эсон Қандов, Юнус Тўраев каби санъатимиз даргалари билан бирга ишлаш бахтига муяссар бўлдим. Узоқ йиллар турли даргоҳларда фаолият юритдим. Кўплаб қўшиқлар яратдим. Ўз санъатим билан элимиз орасида танилдим. Инглиз, француз, рус, грузин, турк, форс ва болгар тилларини мукамал билишим, ушбу тиллар ҳам бемалол қўшиқ куйлашим сабабли чет мамлакатларда мени яхши билишди деб ўйлайман. Ҳозирда ўзим ҳам устозман. Севара Назархон, Сабина Турсунова, Серижон Жаҳомедов каби шогирдларим билан ҳамisha фахрланаман.

— Президентимизнинг «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида биноян «Ўзбекистон» бирлашмаси негизда батамом янги — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ташкил қилинди. Мусиқа, хореография ва эстрада санъатини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштириш,

мати учунми, кейинги пайтларда менга шунга ўхшаш саволларни кўп беришади. Бунга жавоб бериш ҳам осон, ҳам қийин. Лекин энг мантқиқ жавоб — соҳага масъул кишилар, аввало, ўз касбининг эгаси бўлиши керак. Дейлик, бир чолғучи ёки хонандани бирдан катта амалга ўтказиб қўйса, у дабдурустдан ўзини йўқотиб қўйиши табиий. Чунки йўналишини билмайди. Қолаверса, бадий дид, савия, ташкилотчилик қобилияти керак бўлади. Афсуски, бундай иқтидор ҳаммадаям бўлавермайди. Биз эса кўпчилик ҳолларда «бу тугма истеъод», дея ишонч билдириб юборамиз. Унинг қобилияти, савиясига эътибор бермаймиз. Касбини суриштирсангиз, бири рубоичи, бири хонанда бўлиб чиқади... Бундай ҳолатлар вазиятни чиғаллаштиради.

Энди эстрадамиз ҳақида бир-икки оғиз гапирсак. Неча йиллар мобайлида бу санъат тури атрофида турли хил фикр-мунозаралар бўлди. «Фонограммаларда ижро этилаётган, жонли ижрога ўтиш керак», деган талаб қўйилди. «Халқни алдамайлик» каби баландпарвоз хайқириқлар янгради, лекин ҳеч нарсга ўзгармади; ишнинг ҳамон бир жойда депсиниб турибди. Фонограмма аслида собиқ совет телевидениясининг «иҳтироси». Уларга тайёр ёзиб олинган, тоза махсулот

ранс ёки мустақил эксперт сифатида қатнашганимда битирувчи хонандалар маҳоратининг ўртамийёналигига жуда кўп марта гувоҳ бўлганман. Ҳатто магистратурага мусиқа асбобини чала олмаётган талабалар қираяпти. Қўнироқлар орқали кимнингдир таниш-билишлари қабул қилинган ҳолатлар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

Давлат санъат ва маданият институтида методика ўзгарган. Ҳозирда талабаларга учинчи курсдан вокал ўтилмаётми?! Бир мутахассис сифатида уларни тинглаб, тўғри нафас олмаслигини сездим. Бу ўқув юртида мутахассислик йўналиши нотўғри йўлга солиб қўйилганини кўрсатади. Мусиқа лицейларининг юқори босқич ўқувчилари эса юқори ноталарни ёйиқ олиши ортидан нотани ололмади. Чунки нафас олиш нотўғри ўргатилган. Куйни ижро этиш маҳорати фикрлашга ҳам боғлиқ. Умуман, санъатда уйғунлик жуда муҳим. Майда жиҳатлардан катта воқелик пайдо бўлади. Овоз нафасга таянади, тўғри нафас олинганда у паст ноталарни ҳам баланд ноталарни ҳам бирдек олади, санъаткорга узоқ йиллар давомида хизмат қилади. Мисол қилиб айтганим бўлсам, Жўраҳон Султонов, Маммуржон Узоқов каби хонандаларимиз катта ашулани тўғри нафас билангина айтишган.

Фототанқид

Мамлакатимизнинг қай гўшасига борманг, кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари амалга ошириляётганига гувоҳ бўласиз. Янгидан-янги бинолар қурилиб, эскилари давр талаблари даражасида таъмирланмоқда.



Эҳтиёт бўл, йиқилиб тушма!

Албатта, бундай ўзгаришлар киши қалбига гурур уйғотади. Лекин гуруч қурмасиз, гул тикансиз бўлмаганидек, улкан бунёдкорликлар жараёнида айрим хато-камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда.

Касаба уюшмалари ташкилотларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалга ошириляётган ишлар ва навбатдаги вазир-



Сирдарё вилояти, Катта Ўзбек тракти — М-39 йўли бўйида

фалар тўғрисида кенгаш мажлиси ҳисоботида маълум қилинишича, ўтган йил мобайлида 197 та бахтсиз ҳодиса рўй берган. Уларнинг баъзилари ўлим билан яқунлангани янада ачинарли. Иш бевуричлар ва ҳодимларнинг ишга масъулият билан ёндашмагани оқибатида бу каби ҳолатлар жуда келган. Бошқача айтганда, озорқ маблагини тежайман деб ҳозирнинг меҳнат фаолияти хавфсизлигини таъминламаган иш бевурич ҳам, «ҳеч нима қилмайди» деган ҳаёда ўзини ўзи ҳалокатга бошлаган ишчининг ҳам қўнгилсиз ҳодисалар содир бўлишида бирдек айби бор.

Газетамизнинг аввалги сонларида ҳам меҳнат хавфсизлигига оид салбий ҳолатлар танқид қилинган эди, аммо айрим вилоятларда хануз бу борада жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Ишчиларнинг меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги қондаларига амал қилмасдан, ҳаётини хавф остига қўйиб ишлаш ҳолатларини ҳар қадарда учратиш мумкин. Куйидаги фотоларлар бунинг яққол тасдиғидир. Бу ҳолни мутасаддилар қандай изохлайди?

Аъзамжон АБУЛҲАЙЗОВ
Б.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Рамазон — барака ойи

Нафсни поклаш фурсати

Меҳрибон Парвардигоримизга беадал ҳамду сано-лар айтганимиз, муборак рамазон ойининг файзу-баракотга тўла кунлари бошланмоқда. Бу ой бизларга нафсимизни тарбия қилишимизда ёрдам беради. Зеро, рўза орқали нафс сабрга, муҳтожа-ларга меҳр-шафқат кўрсатишга, Аллоҳга итоат қилишга ўрганади. Барча пайғамбарлар (алайҳимуссалом) нафс тарбиясида ана шу ибодатдан фойдаланганлар. Масалан, Юсуф (алайҳиссалом) бутун Миср мулкига эга бўлганлари ҳолда доимо оч юрар эканлар. У зотдан «Бутун ер хазиналари сизда бўлса-ю, нега оч юрасиз?» деб сўралганида, «Тўқ бўлсам, очларни эсдан чиқариб қўйишдан қўрқаман», деб жавоб берганлар.

Дарҳақиқат, рўза сабр имтиҳонидир. Инсон ушбу ибодат машаққатига сабр қилса, охиратдаги азобдан қутулади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда «Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, оғирликни ҳоҳламайди» («Бақара» сураси, 185-оят), деб марҳамат қилади.

Рўзадаги вақтинчалик очлик ва чанқоқлик машаққатини тоғтиш орқали охиратдаги оғир машаққатдан қутулиш имконияти ушбу оятнинг яна бир ҳикматини кўрсатади.

Ҳадисларда сабр уч қисмдан иборат экани баён этилган: тоат ва ибодатларда сабри бўлиш; гуноҳлардан сакланишда сабри бўлиш; мусибат ва қийинчиликларга сабр қилиш.

Рўзада сабрнинг ҳар уч қисми ҳам муҳассамдир. Рўза айна ибодатдир. Сабр билан уни қамолига етказиш ва параддини тўлдириш лозимдир. Рўза гуноҳлардан тўсучи мулатдир. Барча аъзоларни ёмон ишлардан саклаш билан ҳақикий рўзага эришиш мумкин. Бу эса рўзадордан катта сабр-матонат талаб этади.

Аллоҳ таоло барчаларимизни Ўзининг собир бандалари жумласидан қилсин!

Шайх Абдулазиз МАНСУР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
ранси ўринбосари

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир:

Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Хуқуқ ва халқро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси
Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар,
таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишишингиз мумкин.

Манзилими:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-й.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-й.

Таҳририят ҳисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Iroteka bank» Яншобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси — (+998-91) 268-92-32
Андижон — (+998-91) 475-23-60
Бухоро — (+998-93) 653-50-81
Жиззах — (+998-91) 943-67-44
Наманган — (+998-90) 260-50-77
Навоий — (+998-93) 314-13-03
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-90) 991-55-71
Хоразм — (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи
назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

У. Ибодитов
Навбатчи:
С. Абдурахмонов
Муҳасиб:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Х. Абдужалилов
Босишга топшириш вақти — 09:10
123 56
Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма тираж.
Буюртма Ғ — 509.
31508 нусxada босилди.
Нашр қўрсатиши: 133